

Кўкун шаҳридаги «Чашма» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмасида тайёрланаётган 14 турдаги гигиеник маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Саксон киши меҳнат қилаётган қорхона жамоаси ўтган йили 249 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 120 минг АҚШ долларлик маҳсулот чет элга экспорт қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хомашё неғизда буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган гигиеник маҳсулотлар ҳукумат комиссияси томонидан юқори баҳолаб, маҳаллийлаштириш давлат дастурига киритилди.

«Сихат-саломатлик йилида маҳсулотларимиз турини яна олтига кўпайтиришни кўзда тутиганимиз, - дейди фирма раҳбари А.Қўшмақов. - Жумладан, тиббиёт моими тайёрлашга киришдик. Тез кунларда калавадан бинт ва стоматологлар учун тиш тампони тайёрлаб берадиган цех ҳам иш бошлайди.

(ЎЗА)

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 6 апрел, чоршанба № 57 (1898)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

ДЕХЛИ, 5 апрел. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ҳиндистон Республикасига давлат таширифи билан келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовни Деҳли марказидаги «Раштрапати Бхаван» майдонида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари кўтарилди, мадҳиялари янгради. Ислоҳ Каримов шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Давлатимиз раҳбари хинд халқи мустақиллигининг асосчиси Махатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуига таширфи буюриб, унинг хайкали пойга гулчамбар қўйди.

Президент Ислоҳ Каримов «Хайдаробод саройи»да Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама этилди.

Ислоҳ Каримов ва Манмохан Сингх раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Ҳиндистон расмий делегацияларининг кен-

гайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди. Томонлар ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олди. Ҳамкорликнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, икки томонлама манфаатли, самарали соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳуқуқматлари ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик

бўйича ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, мудофаа вазириликлари, савдо-саноат палаталари, банклар, таълим иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштирувчи ва сайёҳлик ташкилотлари ҳамда қатор олий ўқув юртлири ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга имзо чекилди.

Президент Ислоҳ Каримов «Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам билан учрашди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалаларни муҳокама этдилар.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Тож Маҳал» қароргоҳида Ҳиндистон Республикаси таълим вазири Натвар Сингхни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигига, халқаро ва минтақавий муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислоҳ Каримов Ҳиндистон мудофаа вазири Пра-

наб Мукаржини қабул қилди. Суҳбатда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, аксилтеррор ҳаракатлар юзасидан тажриба ва ахборот алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Ҳиндистон савдо ва саноат вазири Камол Нат билан мулоқотида эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ислоҳ Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан ҳам учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлигига, парламентлараро алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат таширифи давом этмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Савдо ва сармоиялар бўйича Ўзбекистон-Германия ишчи гуруҳининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон савдо-саноат доиралари ҳамда Германия Федератив Республикаси (ГФР) Иқтисодий ва меҳнат федерал вазириликни давлат котиби Берндт Пфаффенбах раҳбарлигидаги ГФРнинг Шаркий ва Марказий Европа уюшмаси вакилларидан иборат делегация иштирок этди.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасида кўплаб йўналишларда, хусусан, савдо ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1996 йил июнда Италияга расмий таширифи чоғида Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бу борадаги алоқалар ривожига муҳим омил бўлган. 2004 йилда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги товар айланмаси 320,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Мамлакатимизда ГФР сармояси иштирокида ташкил этилган юздан зиёд қўшма қорхона фаолият кўрсатаяпти. Юртимизда Германиянинг 60 га яқин компанияси ва бир неча банкининг ваколатхонаси ишлаб турибди.

Ийгилишда ишчи гуруҳ ҳамраислари - Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Вячеслав Голишев ва Берндт Пфаффенбах мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо ва сармоиявий ҳамкорликнинг самарали кеңаштранини, уни янада кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади. Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш юзасидан келишиб олинди.

Халқаро бизнес марказида ГФР делегацияси вакиллари иштирокида иқтисодий форум бўлиб ўтди. Унда меҳмонлар Ўзбекистонда иқтисодий ва сармоиявий муҳитни янада ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлишди.

(ЎЗА)

Президентимизнинг «Қурилиш материаллари саноатида ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисидаги Фармони асосида Қорақалпоғистон Республикасида ибратли дастур ишлаб чиқилди.

«Қоратовнорудаматериаллари» масъулияти чекланган жамият Оролбўйининг янгида бунёд этилган иншоотлари ва қорхоналарига турли хилдаги кум, шағал, темир-бетон ашёлари етказиб бераёпти. Қудратли техника воситаларига эга бўлган ва мустаҳкам моддий техника базаси шакланган жамоа ҳар йили истеъмолчиларга 29 минг куб метр қурилиш материаллари жўнатади. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан 65-70 миллион сўм фойда олинаёпти.

Екилги-мойлаш материаллари ва техника воситалари учун эҳтиёт қисмлари етишмаслигига қарамастан тадбиркор мутахассис, Нукус шаҳар кенгаши депутаты Жалғас Айтжонов раҳбарлик қилаётган қорхона бозор иқтисодиёти талабларидан қолиб қолган ҳолда иш юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида бюртмачиларга

«LOLA-MODEL» Ўзбекистон-Туркия-Америка қўшма қорхонасида «MADE IN UZBEKISTAN» тамгаси билан чиқайтган маҳсулотларга талаб вақт ўтган сайин ошиб бормоқда. Бунга сабаб маҳсулотнинг сифатлиги ва бежиримлигидир.

Қорхонада жорий йилнинг 1-чорагида 264254 дона футболка ва майкалар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар Туркиянинг «МИНЭКС» ҳамда Россиянинг нуфузли «САНЛАЙТ» фирмалари бюртмасига биноан тайёрланди. Йил охиригача қорхонада 2 миллион 118 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳсулотнинг 98,4 фоизи чет элларга экспорт қилинади.

Суратда: тикуч Цехи 6-поток устаси Мухаббат Норкулова тикуччи Нилуфар Мухаммадиева тикаётган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда. Мухаммад КАРИМ олган сурат



пайтада «Қорақалпоққувароқурилиши» масъулияти чекланган жамиятида иш қўлаши кенгайиб, сифати яхшилана бораёпти. Оролбўйи шаҳар ва овулларида бунёд этилган турар жойлар, болалар боғчалари, мактаб-

Бир Фармон шарафати

ишлари амалга оширилди. Ҳар бир қурувчи ҳисобига 7 миллион 444 минг сўмлик иш бажарилиб, энг юқори кўрсаткичга эришилди. Уч юздан ортқ тажрибали қурувчи меҳнат қилаётган жамоа Элобод шаҳар-

ҳамма қулайликларга эга замонавий академик лицей фойдаланишга топширилди. Жамиятнинг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан республика марказида болалар спорт мажмуаси қад кўтарди. Хужайлидаги «Меҳрибонлик уйи» мукаммал таъмирдан чиқарилди.

БОЗОР ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ

лар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан қорхона курувчиларининг қадок қўллари изи бор. Бошқарма раҳбари Султонмурод Турсунбековнинг маълум қилишича, икки йил ичида иш ҳажми 7 баравар қўлайди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ортади. Жамоада юзага келган соғлом муҳит, юксак маданият ва ишчанлик вазиати муваффақиятни таъминламоқда. Бунёдкорлар йирик саноат гиганти-Кўнғирот сода заводи қурилишида ҳақиқий фойдйлик намуналарини кўрсатишяпти. Зарбдор иншоотда катта ҳажмда қурилиш-ускуна

Мухаммадҷон ишлаб чиқариш цехини айланиб юраркан, аҳолидан қоникмади. Кечягина машина-механизмлар гуруллаб ишлаб турган, ишчилар билан гажжум цех бугун ҳузуллаб ётарди. Ун-ун беш нафар ходимлар гидротрубинлар орасида куймаланиб юрар, кўпчилик дастгоҳлар эгасиз эди.

Хонасида бир ўзи ўйнаиб ўтирган муҳандис-механик Элдор Маҳмудов билан мулоқотда касабақум раиси цехда меҳнат муҳофазаси ночорлигини пайқайди. Гидротрубинлардан чиқайтган соғуқ ҳаво оқими цехдаги «хароратни пайсаятириб юборган, оқибатда ишловчилар шамоллаш қасаллиги билан оғриб, шифонага ётқизиляётганди. Устига-устак зарарли шaroитда меҳнат қилаётган ходимларга пархез таомлар етказиб беришда, дам олиш хоналарини жиҳозлаишида ҳам талайгина муаммолар касабақум раисини безовта қила бошляди.

Тиббиёт бўлими бошлиғи Рая Файзиева билан учрашувда кўп нарса ойдинляди. Унда ишчиларга ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилиши, меҳнат гигиенасининг йўлга қуйлиши, дори-дармон таъминоти атрофида гап борди.

Раис ишловчилар учун ишлаб чиқариш ва маийий шaroит яратиш ижтимоий хизмоя тизимининг муҳим шарти эканлигини яхши билади. Бу борада суст-кашлик қилишни сийра ёқтирмайди. Шунданми, иш берувчи билан атрофила маслаҳатлашишни юрагига тугиб қўйди.

Директор Турсунбой Мирзазахимов Мухаммадҷонни одатдагидек илиқ қарши олди. Жамоа шартномаси, ишчиларни соғломлаштириш бўйича бандларнинг бажарилиши, меҳнат муҳофазаси мажбуриятлари ҳақида фикрлашди. Раҳбарга касабақум раисининг тақлифлари маъқул тушди. Хуллас, цехларда ипечкалар ташкил қилиш, ишчиларни ёппасига тиббий кўрикдан ўтказиш, қўшимча дори-дармон харид қилиш учун директор фондидан 300 минг сўм маблағ ажратиш ҳақида маъмурият билан касаба уюшмасининг қўшма қарори лойиҳаси пишитилди.

Кўп ўтмай цехда меҳнат муҳофазаси ишлари юришиб кетди. Аввало соғуқ ҳавони тартибга солувчи мосламалар ўрнатилди. 35 нафар ишловчи бирма-бир тиббий кўриқдан ўтказилиб, турли касалликларга қарши эмлаш ва профилактика ишлари бажарилиди. Ойлада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзи юзасидан тиббиёт ходимларининг чиқишлари, учрашув, савол-жавоб кечалари

ташкил қилинди. Натижада касаллик тўфайли меҳнатга лаёқатсизлик кескин қамайди. Электр энергияси ишлаб чиқарувчи гидротрубиналарни таъмирлаш ишлари мuddатидан олдин тугалланди. Созлашда жонбозлик кўрсатган Қудрат Абдуғофуров, Маҳмуджон Ҳамроқулов каби фидойи ишчилар, бир ойлқ иш ҳақиға қўшимча имтиёзлар билан рағбатлантирилди.

Нурчилар ишлаб чиқариш ёки кундалик турмушларида муаммолар тугилса, касабақумга суняишга оdat-ланганлар. Маҳмуджон Усмановнинг хонасидан касабақум қадамларини уз-маслиги боиси шундан. Баҳорнинг серёгин келиши энергетикларни шошириб қўйди. Сув омборида белгиланганидан ортқка оби-хаёт йигилганди. Мухаммадҷон омборга туташиб кетган Кампирравот адирлари, ундан наридаги Тяньшан тоғларини қор ва муз қўрғаси остиди мудрашнинг томоша қиларкан, кунлар исийи билан ҳосил бўлган жилғалар ҳавзага қараб оқибини ўйлаб кетди. Сув қўйилган-дар кўпайиб, гидротрубинлар ўз-ўзидан зуриқиб ишлаши, оқибатда машина ме-

Орамиздаги одамлар

ханизмларга шикаст етиши аниқ. Бунинг учун мавжуд 4 та гидротрубина, кўплаб агрегат, ускуналарнинг иш режими кечаю-кундуз кузатувда бўлиши зарур.

Касабақум раиси шуларни фикрдан ўтказаркан, ишлаб чиқариш цехи касаба уюшма гуруҳи ташкилотчиси Маҳмуджон Нуриддинновни кўз олдиға келтирди. Раис хонасида навбатдаги раёсатға ҳозирлик кўриб ўтирарди. Кун тартибига гидротрубинларнинг лойиҳадаги қувватларидан фойдаланиш, шу билан бирға техника хавфсизлиги қоида-

маси мутасаддилари билан баҳамти иш қуришини айтди. Мухаммадҷон бир қарашда бошқалардан фарқи йўқдек, оғир-бошиқ, ишға бориб келади. Аммо унинг инсонларға яхшилик, рушониқ талаб яшаётганини кўпчилик билавермайди. Ишонаси томон бораётби, Кампирравот қирларида чорвалдорларнинг ёққан гулханларидек, ял-ял оловланаётган лозорларни, йўл бўйларидаги оқ бодроқдек гуллаган ўрик, шафтолиларнинг ним пушти гуналарини томоша қилиб хузурланади.

Касабақум раиси тантана билан ўтган баҳор байрамини эслади. Билдирувлар тахтасида касабақум билан иш берувчининг қарори асосида шодна муносабати билан тақдирланган илгорларнинг рўйхати эълон қилинганди. Нурунийлар, кам таъминланган оила-ларнинг вақиллари ўтирган зиёфат дастурхони, одамларнинг гулган чаралари, янграётган куй-қўшиқлар, хуллас тадбир тўйхонаға айлиниб кетди. Ушбу маросим учун касаба уюшма ва иш берувчи ҳисобидан 2 миллион сўм атрофида харажат қилинганди. Ўтган йили «Нур» оромгоҳида ишловчиларнинг 110 нафар фарзандида ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан бепул дам олдирилди. Ҳар кун бепул иссиқ овқат муҳайё, хизматға бориб-келиш учун махсус транспорт, 2 та сауна, дам олиш хоналари ишчилар ихтиёрида. Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, ҳар бир ишчининг ижтимоий хизмоясига ўртача 80 минг сўм маблағ сарфланаётганлиги аниқланди.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастуриға кўра нурчиларнинг Кампирравот маҳалласини ободонлаштиришни ўз ҳимойлиғига олганлиги тахсинга лойиқ.

Р.СОБИРОВ

Масала кўндаланг қўйилади

Президентимизнинг «Ўзбекистон Транспорти ва транспорт уюшмаси ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул ҳолға келтириш, самарадорлигини ошириш, фаолиятни оқилона ташкил этиш, транспорт коммуникацияларини жадал юксалтириш ва нормал ишлашини таъминлаш, трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришға йўналтирилган.

ШАҲАР ТРАНСПОРТИ МУАММОЛАРИ

Қаршидан вилоятнинг шаҳар ва туманларига автобуслар, енгил машиналар тимимсиз қатнайди. Бундан бир йил қадам «Саноатқурилишхизматқўрсатиш» компаниясига қарашли «АЭФ-АВТОТОШ» шўбба қорхонаси лизинг асосида «УЗО-тайўл» қўшма қорхонасида ишлаб чиқарилган 10 та автобус сотиб олиб, уларнинг шаҳардаги асосий йўналиш бўйича қатновини таъминлади. Бир ойда автобуслар ҳисобидан банкларға ўрта ҳисобда 12 миллион сўм нақд пул топшириляпти. Агар жамоат транспортининг мунтазам қатнови йўлга қўйилса, бу рақам 1 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетар экан. Бунинг учун автобуслар сонини камида 100 тага етказиш талаб этиляди.

Яратилаётган қулайликлардан аҳоли мамнун. Бироқ оёғи ерга тегмай автомашина ҳайдаётганларнинг ҳужжатларини суриштирсангиз, бир зумда кўздан гойиб бўлишанди.

«Машинани шамолдек учуриб ҳайдадики, юрагимда юрак қолмади, - дейди ўзини Зухро момо деб таништирган етми ёшли онахон.

Шаҳарнинг ўнлаб йўналишларида юзлаб «Дамас»лар қатнайди. «Маршрутка»чиларнинг кўпчилиги белгиланган тўловларни четлаб ўтиб, тушумни ўз фойдаларига ишлатишанди. Агар ҳар ойда бир енгил автомобил эгаси аҳолиға 200 минг сўмлик хизмат қўрсатган тақдирда камида 80 миллион сўмнинг банкдан ташқари айланганини ҳисоб-китоб қилиш қийин эмас. Бунинг устига баъзи автомобилларни таъмирбасиз ёш йигитлар бошқаришанди. Уларнинг мижоз талашиб тезликни оширишлари ва йўл ҳаракати қоидаларини бузётганлигини кўриб-сеизиб турган мутасаддиларнинг бепарволиги янада ажабландир.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастуриға кўра нурчиларнинг Кампирравот маҳалласини ободонлаштиришни ўз ҳимойлиғига олганлиги тахсинга лойиқ.

И.ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



Муҳаммад КАРИМ олган суратлар

Олимжон Нишоновни яқиндан танийдиганлар, йўқ жойдан йўндирадиган йигит, дея баҳо берадилар. Дарҳақиқат, шундай. Тадбиркор Бахт шахридаги харобага айланган бир бинони хусусийлаштириб олиб гўзал бир қоснага айлантирди. 2002 йилда «Агро Принт» маъмулияти чекланган жамиятга асос солиди. 40 нафар йигит-қизни иш билан таъминлади.

20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлиниб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. «Агро Принт»да «Сайхун зиёси» деб номланган ўқувчи-ёшлар газетасига асос солинди. Дастлабки пайтларда газета 5 минг тиражда чиққан бўлса, ҳозир 17 минг нусхага етди.

Корхонада маҳсулотлар асортименти 50 га яқинлашиб қолди. Булар орасида ташриф қозғидан тортиб расм дастаргача бор. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун цехларга

ма катта бўлаётти. Улар назорат постлари аъзолари билан биргаликда галла майсалари нест-нобуд қилинишининг олдини олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Айбдор фуқаро, мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи кенг жамоатчилик



хориж ускуналари ўрнатилди. Хусусан, Австрияда ишлаб чиқарилган офсет машинаси шулар жумласидандир.

«Агро Принт» ишчи-хизматчиларига алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Улар корхона ҳисобидан бир маҳал бепул тушлик билан таъминланган. Матбаачи Набижон Калонов, муқоваловчилар Дилдора Комилова, Раъно Умрзоқова, Саодат Иброҳимова, компьютер оператори Шерзод Маматқулов корхонанинг фахри ҳисобланади.

Республикамиз Президентининг «Экинларни пайхон қилишга қарши кураш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида экин майдонлари, айниқса, галлазорларни эҳтиётлаш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, маъмурий органлар масъулиятини ошириш вазифалари белгилаб қўйилган.

Бозиллаган тандирдан ҳозиргина узилган бугдой нонининг таъмидан толти яна нима бор дунёда. Хонадонингизга меҳмон келса олдин нон синдирасиз. Бугдой ва нон нафақат меҳмоннавозлик, балки эл-юрт бойлиги рамзи ҳамдир. Бугдой нон бўлиб дастурхонга келгунча, қанчалар маблағ, куч сарф қилинади? Минг афсуски, айрим кимсалар шуну била-туриб экинларни, галлазорларни пайхон қилишяпти. Уларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қатъий жазо чораларини қўллашмоқда.

Улар назорат постлари аъзолари билан биргаликда галла майсалари нест-нобуд қилинишининг олдини олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Айбдор фуқаро, мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи кенг жамоатчилик

Текширувда маълум бўлди

рожаатнома қабул қилинди. Шунга қарамай, айрим кимсалар томонидан чорва молларини экинзорларга қўйиб юбориш, галлазорларни пайхон қилиш каби ноҳуш ҳолларга йўл қўйилмоқда. Мана бир мисол. Милиция капитани Илҳом Қобулов дала қоровули билан биргаликда «Пахтакор» ширкат ҳўжалиги экин майдонларини назорат

қонунбузарлиги қимматга тушди. Профилактика инспектори Давлат Мелиқулов уни ҳуқуқбузарлик устида ушлади. Р.Жўрабоев чорва моллари билан участка инспекторлиги биносига келтирилди. Маълум майдондаги галла ҳўжаси моллар туёғи остида қолгани, озуқа ўрнида едилганлиги аниқланди. Сарҳисоб бўйича ширкатга етказилган экинни тўлиғича тўлаш баробарида маъмурий чора ҳам қўлланилди.

ГАЛЛАЗОРНИ ПАЙХОН ҚИЛИШ — ЖИНОЯТ

қўмағида ҳал этилаётти. Экинларни пайхон этган қонунбузарлар хатти-ҳаракати юзасидан маъмул идораларга 16 та тақдиминома киритилди. 30 нафар ҳуқуқбузар жаримага тортилди.

қилиб юрарди. Галла майсалари орасида бемалол ўтлаётган қорамоллар уларнинг эътиборидан четда қолмади. Чорва моллари томонидан эл rischi нобуд қилинаётганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилиб, суриштирув ишлари бошланди. Қорамолларнинг эгаси Шарип Орипов шу кунларда маҳалладошлари кўзига тик қаролмапти. Чунки қилмиши учун маъмурий комиссия олдида жавоб берадиган бўлди.

қилиб юрарди. Галла майсалари орасида бемалол ўтлаётган қорамоллар уларнинг эътиборидан четда қолмади. Чорва моллари томонидан эл rischi нобуд қилинаётганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилиб, суриштирув ишлари бошланди. Қорамолларнинг эгаси Шарип Орипов шу кунларда маҳалладошлари кўзига тик қаролмапти. Чунки қилмиши учун маъмурий комиссия олдида жавоб берадиган бўлди.

қилиб юрарди. Галла майсалари орасида бемалол ўтлаётган қорамоллар уларнинг эътиборидан четда қолмади. Чорва моллари томонидан эл rischi нобуд қилинаётганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилиб, суриштирув ишлари бошланди. Қорамолларнинг эгаси Шарип Орипов шу кунларда маҳалладошлари кўзига тик қаролмапти. Чунки қилмиши учун маъмурий комиссия олдида жавоб берадиган бўлди.

ҚАЛБИНГИЗНИ ИЛМУ ҲУНАР БИЛАН БЕЗАНГ

Урганч шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Мансура» аёллар илмий-ҳунар маркази бизнеснинг пештоқига «Қалбингизни илму ҳунар билан безанг» деб ёзиб қўйилган. Марказнинг асосий мақсади кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга янги касбларни ўргатишдир. У 2002 йилда тикувчилик цехи фаолиятини юритиш билан иш бошлаган. Айни кунда бу ерда қандолатчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги ва инглиз тили курслари ҳам ишлаб турибди.

«Мансура»да ўқишларнинг юқори даражада ташкил қилинганлиги кўпчиликка маълум. Шу сабабли ҳам бу ерда вилоятнинг деярли барча туманларидан ўқиш ва ҳунар ўрганишга келишади. Утган давр ичида фақат Урганч шаҳридаги «Навбахор» маҳалласидан 60 та, 16- ва 26-маҳаллалардан 40 та кам таъминланган оилаларнинг хотин-қизлари бепул ўқиб, тикувчилик касбини ўрганишди. Шунингдек, улар «Бизнес асослари», «Шарқ аёнчалари», «Маданий кийиниш» ва «Хусусий бизнесда қандай қилиб ютуққа эришиш мумкин?» мавзуларида ташкил қилинган машғулотларда ҳам қатнашди.

133 КИШИ ИШГА ЖОЙЛАШДИ

Хўжайли туманида хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда бу борада ишлаб чиқилган махсус дастурда 2005-2007 йилларда уч минг нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бунда меҳнат ва аҳолини ижтимоий

лаборларга 250 бўш иш ўрни тақлиф этди. Шу кунги касб ва малакасига қараб 133 киши ишга жойлаштирилди. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Ислоҳот одимлари
ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

Бозор иқтисоди афзалликлари жуда кўп. Изланса, аниқ мақсад сари дадил интилса ҳар қандай киши ниятига етаркан. Шовот тумани тасарруфидаги «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги меҳнат аҳли эришаётган ютуқлар мисолида бунни яққол кўриш мумкин. Ширкат туман марказидан анча олисда жойлашган ва бу ерда турли миллатга мансуб 14 минг нафар аҳоли яшайди. Шунга қарамайдан бу ердаги аҳолининг бирортаси ҳам узокдан юмуш излаб юрмайди. Аксинча туман марказидан ҳўжаликка келиб ишлашяпти.

га 70 миллион сўмлик компьютерлар тўхта қилинди. Айни пайтда 18 нафар илгор ўқитувчи ва 35 нафар аълочи ўқувчиларга ширкат стипендияси таъсис этилган. Олий ўқув юрталарида тахсил кўраётган 14 нафар талабага ҳам ҳўжалик ҳомийлик қилмоқда.

Ютуқлар омили нимада, деган ҳақли савол туғилади. Асосий экин майдонлари 1018 та оила пудратчиларига бўлиб берилди. Хосилдорлик оширилиб, ернинг табиий ҳолати яхшиланди. Кейинги босқичда қишлоқ ҳўжалигидан бўш қолган ишчи кучи учун янги корхоналар қуришга ва одамларни янги касбга тайёрлашга эътибор қаратилди. Дастлаб ишчани қайта ишлаш заводи қурилди. Ҳозирги кунда бу ерда 140 нафар киши банд. Суткасига 60 минг дона турли русумда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмол бозорларида ўз харидорини толган.

Мехнатдан сўнг бўш вақтларда ва байрам айёмларида аҳоли узоққа бориб юрмайди. Чунки бу ерда ижтимоий маданият боғи, олти минг китоб жамғармасига эга 2 та кутубхона, 3 та замонавий маданият ўйлари, 2 та спорт зали, 5 минг кишилик стадион, савдо расталари, аҳолига техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Қишлоқда кичик корхоналари қуриб, етиштирилаётган маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш ҳуқуматимиз қўяётган талаблардан бири. Ишбилармон тадбиркорлар истиқболли дастур асосида консервлалаш заводини қуриб кам бўлмаётлар. Айни пайтда 90 нафар киши ишлаб чиқариш билан банд бўлиш билан бир қаторда тайёрланаётган бир неча турдаги сифатли маҳсулот нафақат юртимизга, балки хорижга ҳам экспорт қилинаётди.

Ишлаб чиқаришдан ва етиштирилаётган маҳсулотлардан ширкатга аъзо бўлмаганлар ҳам умидвор. Масалан, ҳар мавсумда ишчилар қаторида аҳолига ҳам 500 тоннадан зиёд галла, 250 тонна картошка, 800 тонна гуруч, ун, ёғ каби маҳсулотлар бозор нархидан икки ҳисса арзонга тарқатилаётган. Шунингдек, 32 та кам таъминланган оила фарзандларига озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак берилаётти. Ногирон, нафақасиз, уруш қатнашчиларидан 38 нафари эса оталиққа олинган.

Утган даврда харажатлардан ташқари чегириб қолинган маблағ ҳисобидан ҳўжалик тасарруфида 3 та замонавий усулдаги қишлоқ врачлик пункти қурилди. Ҳар бирига 70 миллион сўмликдан асбоб-ускуна сотиб олиниб, 60 нафар мутахассислар иш билан таъминланди. Янги ишчи ўринлари яратиш билан бирга ҳўжаликда асосий маҳсулот — пахта, галла етиштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Соҳага тажрибали мутахассислар жалб

Ширкат аъзолари йилни 1 миллиард 400 миллион сўм билан қўллашди. Бу яна юзлаб ишчи ўринлари яратишга ва ижтимоий масалаларни янада ривожлантиришга йўл очди. Кейинги беш йилда 10 та янги техникалар сотиб олинган бўлса, хотин-қизлар ишлаши учун иккита замонавий тиқиш-бичиш цехлари қуриб битказилди. Шунингдек, 5 та мактаб, 6 та болалар боғчаси, 1 та ёзги оромгоҳ тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Илм даргоҳлари

Ширкат аъзолари йилни 1 миллиард 400 миллион сўм билан қўллашди. Бу яна юзлаб ишчи ўринлари яратишга ва ижтимоий масалаларни янада ривожлантиришга йўл очди. Кейинги беш йилда 10 та янги техникалар сотиб олинган бўлса, хотин-қизлар ишлаши учун иккита замонавий тиқиш-бичиш цехлари қуриб битказилди. Шунингдек, 5 та мактаб, 6 та болалар боғчаси, 1 та ёзги оромгоҳ тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Илм даргоҳлари

Баҳорнинг ҳар дақиқаси ганимат. Бундан тўғри хулоса чиқарган жамоа аъзолари шу кунларда экин майдонларини оби-тобига келтиришмоқда. Зеро, ер сифатли ишланса, замин деҳқонга панд бермаслигини улар яхши билишади.

НОНҚҮРЛИК
Амнистия туфайли жазони ўташдан озод этилган, бироқ ўзларига яратилган имконият, бағрикенглик қадрига етмай яна жиноят кўчасига кирган кўрнамаклар қисмати хусусида

ши, ота-онаси, яқинлари бағрида яшаш мумкин эди. Аммо бугун у ўз қилмиши боис улардан йироқта. Ноконуний ҳаракати учун Шайхонтоҳур тумани суди томонидан ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси, 2-қисмининг «а», «б» бандлари билан 3 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган Х.Пардаев амнистия туфайли жазодан озод этилади. Қўрсатилган ғамхўрликдан хулоса чиқариш ўрнига ҳамтовоқлари билан яна жиноятга қўл уради. Яъни, спирт-ичимлик ичгач, У.Мўминов исмли шахс ёнидаги 130 минг сўм пулни таниши М.Азимов билан биргаликда босқинчилик йўли билан эгаллашни режалаштиради. Иккала ҳамтовоқ У.Мўминовни уриб дўппослашгач, пичоқ билан оғир тан жароҳати

Шундай инсонлар ҳам борки, улар Президентимиз давлатимиз томонидан кўрсатилган ғамхўрлик, бағрикенгликни ўзини ўнглаб олиш, ҳалол инсонлар сафига қайтиш учун катта имконият эканини унутиб, яна жиноят йўлига қирадилар. Шундайлардан яна бири муқаддам судланиб, амнистия туфайли жазодан озод этилган Тошкент шаҳрида туғилган А.Қулловдир. У катта миқдордаги пулларни фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб, ҳавойи орзулар қанотида яшашни ўзига одат қилиб олган. Дастлаб А.Қуллов Шайхонтоҳур туманида яшовчи фуқаро К.Пирназаровага «ҚА-700» русумли трактор олиб беришни ваъда қилиб, таниши У.Қамолов иштирокида 9.200.000 сўмни алдов йўли билан олади. Сўнгра орадан ҳеч

Қўклам РАҲИМОВ

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Демократик ҳуқуқий давлат сари

Саволингизга ҳуқуқшунос

Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Мехнат шартлари дейилганда нимага тушунилади? Бу шартлар ходимнинг мехнат қилиши давомида иш берувчи томонидан ўзгаририлиши мумкинми ва бу ҳолларда иш берувчи томонидан қандай талабларга аҳамият бериши зарур ҳамда ходимнинг қандай ҳақлари қўллаб-қувватлашда унга қандай қарорлар берилган?

Ш.ШОМУРОДОВ,
Фузор тумани

ЖАВОБ: Амалдаги мехнат қонунчилигида асосан мехнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассисликлар, малака, лавозим бўйича ишчи мехнат тартиби Қоидаларига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви ҳамда қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига ба-жариш ҳақидаги ўзаро келишу-видир.

Мехнат шартномаси ёзма шаклда икки нусхада тузилиб, улар иш берувчида ва ходимда сақланади.

Мехнат шартномасида тарафларнинг келишуви билан қўйи-дагилар белгиланиши зарур:
- иш жойи (корхона, муассаса уларнинг бўлими);
- ходимнинг мутахассислиги, малакаси, лавозими;
- ишнинг бошланиш кунин;
- мехнат шартномаси маълум бир муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати (Мехнат кодексининг 76-моддаси талабига тўлиқ амал қилинган ҳолда);
- мехнат ҳақи миқдори (разряди);

ва 90-моддалари билан белгилаб қўйилган.

Мехнат кодексининг 89-моддасига асосан иш берувчи техноло-гиядаги, ишлаб чиқаришдаги ва мехнатни ташкил этишдаги ўзга-ришлар билан боғлиқ, ёхуд хо-димлар сонини ёки ишлар харак-терини олиб келган иш (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ ҳоллардагина мех-нат шартларини ходимнинг рози-лигисиз ўзгаришига ҳақлидир.

Лекин иш берувчи мехнат шарт-ларидати бўлажак ўзгаришлар тўғри-сида ходимни камида икки ой ол-дин ёзма равишда имзо чектириб оғохлантириш шарт. Бу оғохлан-тириш муддатини қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Янги мехнат шартла-ри асосида ишлашни давом этти-ришни рад этган ходим билан мех-нат муносабатлари Мехнат кодекси 89-моддасининг тўртинчи қисмига асосан янги мехнат шартлари асо-сида ишлашни давом эттиришни рад этганини муносабати билан бе-кор қилиниши мумкин. Бу иш бе-рувчининг ташаббуси билан мехнат шартномасини бекор қилиш тўғрига қирмайди. Чунки бу ходимнинг қаро-ри хоҳиши билан амалга оширил-ган. Шу сабабли бу ўринда олдин-дан касабга уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаб қилинмайди вабундай розиликни олиш жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида белгиланган бўлса, у ҳақиқий ҳисоб-ланмайди.

Мехнат кодексининг 89-моддаси 4-қисми билан мехнат муноса-батлари бекор қилинганда МКнинг 109-моддасига асосан хо-димга камида бир ойлик иш ҳақи

миқдорида ишдан бўшатиш нафа-қаси тўланиши зарур. Бундан таш-қари МКнинг 67-моддасига биноан янги мехнат шартлари асосида иш-лашни давом эттиришни истаман-лиги туфайли мехнат шартномаси бекор қилинганда иш қидириш дав-рида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинади. Агар хо-дим мехнат шартномаси бекор қилингандан сўнг 10 календар кун

Саволларингизга ҳуқуқшунос

Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Ходимнинг мажбурий равишда бекор юрган вақти учун ҳақ тўланадими?

Б.АБДУЖАБОРОВА,
Тошкент шаҳри
ЖАВОБ: Мехнат Кодекси-нинг 188-моддасига мувофиқ, ходим мехнат қилиш имко-ниятидан мажбур қилинган барча ҳолларда, шу жумла-дан, мехнат шартномаси бе-кор қилинганидан сўнг ме-

булмаган муддат учун қаноат-лантиради. Ушбу қоидалар МКнинг 275-моддасида белги-лаб қўйилган.

САВОЛ: Ходимни доимий ёки вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш қандай тар-тибда амалга оширилади?

Д.РАЗЗОКОВ,
Урганч шаҳри

ЖАВОБ: Мехнат Кодекси-нинг 92-моддаси талабларига биноан ходимни бошқа дои-мий ишга ўтказишга янги хо-димнинг мехнат вазифаларини ўзгаришига, унга бошқа му-тахассислик малака ва лаво-зимга оид ишни топширишга фақат ходимнинг розилиги бил-ан йўл қўйилиши мумкин.

Ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлашти-рилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқар-иш учун ходим билан тузил-ган мехнат шартномасига кир-ритилган ўзгаришлар асос бўлади. Мехнат шартномасига киритилган ўзгаришларга му-вофиқ ҳолда чиқарилган буй-руқ тилкат орқали (имзо че-ктириб) ходимга маълум қили-нади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида ёзувлар мехнат дафтрасида қайд этилади.

Хозирги пайтда ходимлар-ни вақтинча бошқа ишга ўтказиш амалиётида кўп қўланил-моқда. МКнинг 94-95-модда-ларига биноан ходим келиш иш берувчи ўртасидаги кели-шувага ва ходимнинг розилиги билан вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Вақ-тинча бошқа ишга ўтказиш муддати тамом бўлган иш бе-

рувчи ходимга унинг аввалги ишчи бериши шарт.
Ходимнинг ўзи вақтинча бошқа ишга ўтказиши ҳақидаги илтимос, агар бу илтимос узурли сабабларга кўра келиб чиққан ва бундай ишлар корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томони-дан қаноатлантирилиши ло-зим.

Соғлиғи ҳолатига кўра ёки нуқулдай мехнат ша-роити таъсиридан ҳоли бўлган бошқа ишга ўтказилган ҳолат-ларда ходимга дастлабки икки ҳафта муддат давомида аввал-ги ўртача ойлик иш ҳақи сақ-лаб қолинади. Вақтинча бо-шқа ишга ўтказишнинг муд-дати кўрсатилган ҳолда иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Вақтин-ча бошқа ишга ўтказишлар мехнат шартномасида акс эт-тирилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш за-рурияти ёки бекор туриб қолганини муносабати билан ходимнинг розилигисиз ҳам вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилиши мумкин. Бошқа ишга ўтказишнинг чек-ланган муддатлари, мехнатга ҳақ тўлаш миқдори ва ишлаб чиқариш зарурятлари ҳақидаги қоидалар корхона-нинг локал ҳужжатларида, жа-моа шартномалари ёки ички мехнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилиши ва касба уюшма қўмитаси ёки хо-димларнинг бошқа вакиллик идоралари билан келишиб олинган ҳолда амалга оши-рилади.



нат дафтрасини ўз вақтида бермаслик оқибатида келиб чиққан мажбурий равишдаги бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундирилишига ҳақли.

Мехнат шартномаси гайри-қонуний равишда бекор қилиниши туфайли юзага кел-ган мехнат низоларини қўриб чиқиш пайтида, мажбурий ишланмаган давр учун ходим-нинг талаблари мехнат низо-ларини қўриб чиққан сўд ёки мехнат низолари бўйича ко-миссия томонидан бер йил-дан кўп бўлмаган вақт учун қондирилади. Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа та-лаблари уч йилдан ортиқ

Маъмурият ва касабга уюшма ҳамкорлиги

Таълим тизими моддий базасини мустаҳкамлаш-да Боёвут туман ҳалқ таълими бўлими, тармоқ хо-димлари касабга уюшма қўмитаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Сир эмас, Боёвут мак-таблари аҳолидан кўнгил тўлмади. Таъмирталаб таълим даргоҳлари, ама-лий мададга муҳтож му-ассасалар бир талай эди. Шундай бир вазиятда қўл қовуштириб туриш ўрин-ли эмаслигини маъмурият ҳам, касабга уюшма таш-килоти ҳам англаб етди. Сир воҳасига номдор кадр-лар етказиб берган ҳудуддаги оқсаш ўринли-миккин? Худди ана шу са-вол бу ерда ўсиб улғай-ган, айна чоғда турли со-ҳаларда хизмат қиладиган собиқ ўқувчилар кўлигига етказилди. Савобли ишдан ким ҳам юз ўгирибди, дейсиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида собиқ би-тирувчилар 3 донга комп-ютер, 1 миллион 200 ми-нғ сўмлик бўёқ, 1 миллион 400 ми-нғ сўмлик қурилиш ашёлари, 600 дон шиф-фер тортик этишди. Бу-нга амалдордан тортиб фермерга ҳисса қўшди. Яна қандай камчиликлар бор, дея сўраб келгувчи-

лар кети узилмади.

Танқиддан боши чиқмай қолган таълим даргоҳларида-

ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

ги мавжуд 32 та спорт залла-рининг 22 таси жорий таъ-мирдан чиқарилди. Биттаси эса капитал таъмирланди. Айни дамда таршарит му-ҳайё этилган спорт заллари-да 196 та тўғарак ишлаб ту-рибди. Уларда 3968 нафар-дан ортиқ ўқувчилар чинқи-шяпти.

— Хомиллар кўмаги бил-дан 810 ми-нғ сўмлик спорт жиҳозлари харид қилишга эришдик, - дейди таълим ва фан ходимлари туман касабга уюшма қўмитаси ра-исси Бахтиёр Ҳўжакулов. - Собиқ ўқувчимиз Сайфид-дин Қодирқуллов 6-мактаб-га 291 ми-нғ сўмлик, И. Аб-дурахмонов эса 240 ми-нғ сўмлик спорт анжомлари олиб беришди. Туманимиз-

даги 21-мактабга эса ҳомийларимиз томонидан жа-ми 14 миллион сўмлик ана шундай анжомлар ет-казиб берилади.

Тўғри, мактаблар жамоа-лари ҳам қараб турмади. Ту-ман ҳокимлиги томонидан

пул дарслик ва ўқув жиҳоз-лари харид қилинди. 21 нафар касабга уюшма аъзо-ларига бепул озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бе-рилади. Касб касаллиги бўйича нафақага чиққан 13-мактаб ўқитувчиси Фа-нуса Хонтемировага ком-пенсация ва иш берувчи ташкилот томонидан на-фақа тўланиши йўлга қўйилди.

Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш жамоат таш-килоти назаридан четда қолмапти. Бултур 34 на-фар ўқитувчи-мураббийлар санаторий ва дам олиш масканларига йўлланма билан таъминланди. Йўлланмаларнинг қарийб тенг ярими касабга уюшма маблаглари ҳисобидан тўланди. Ҳудуддаги сало-матлигини мустаҳкамлаш, уларни чинқитириш мақса-дида мактабларро муал-лимлар спорт беллашувлари ташкил этиш одат туси-ни олган.

Бир сўз билан айтганда, маъмурият ва касабга уюш-ма ҳамкорлиги соҳа ривож-и юксалишига хизмат қилаётди.

Н. ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

пайди мажбурий равишда бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундирилишига ҳақли.

Мехнат шартномаси гайри-қонуний равишда бекор қилиниши туфайли юзага кел-ган мехнат низоларини қўриб чиқиш пайтида, мажбурий ишланмаган давр учун ходим-нинг талаблари мехнат низо-ларини қўриб чиққан сўд ёки мехнат низолари бўйича ко-миссия томонидан бер йил-дан кўп бўлмаган вақт учун қондирилади. Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа та-лаблари уч йилдан ортиқ

Анджон тумани соғлиқни сақлаш бўлими 190 ми-нғ аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Тизимда мала-кали ходимлар мехнат қилад-и. Улар туман ахлининг со-ғлигини мустаҳкамлаш, ас-рар, ҳар бир оилада тиббий маданиятни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бора-сида сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

Тумандаги мавжуд шифо-хона, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари беморлар-ни даволаш учун барча тиб-бий жиҳозларга эга.

Суратларда: шошилич тез тиббий ёрдам бўлими-нинг янги биноси; (чапдан) марказий шифохонанинг ички касалликлар бўлими шифокорлари Т.Убайдуллаев ва Б.Ярушев.



Ш.ОЛИМОВ (ўЗА) олган суратлар

Бундайларни ким деб атайлик

латимиз кўрсатаётган ғам-хўрликлардан фойдалани-ли, ҳаётларини ўнглаб олиб, яхши инсонлар қато-рида қўйилиш ўрнига ёш-гина умрни ҳазон қилишга ётгани кишини чуқур ўйга толдиради. Бундайларни кўп хали кўп нарсани тушу-найди, гўрда дея қилиши-шини тушунишга ҳаракат қиламиз. Аммо қуйида тил-га олмоқчи бўлганимиз, ҳаётнинг деярли ярмини яшаб қўйган шахсларнинг нотўғри йўлга кириб кети-шини қандай тушуниш мумкин. 3.Рахматуллаев, Ф.Миррахмонов, Ш.Азимжон-нов ҳамда Э.Юлдошевлар ўзларининг гаразли ният-лари йўлда ҳеч нарсадан тап тортишмади. Улар ҳам муқаддас судданиб, улуг кадрларимиз ҳисоблан-ган кеҳиримлик бос жазодан озод этилган ин-сонлар эди. Барчаси бе-инсон ўртасида ҳеч кан-дай келишмовчилик бўлмаган. Улар Қўйил-қозорида гўшт сотиб ти-рикчилик қилишарди. Воқеа содир бўлган кун И.Асмоилов Ш.Қодиров-дан чекиш учун сигарета сўради. Шунда Ш.Қоди-ров унга мижоз кетгандан сўнг беришни айтди. Бу пайтда А.Асмоилов қўли-да катта пичоқ ушлаб тур-ган бўлиб, бироздан кей-ин сигарета берган Шо-кирга «нимага миннат қилиб берясан» дейди.

Ш.Қодировлар яшайдиган хонадонга ярим кечаси қуролланган ҳолда бости-риб кириб, пул топиб бе-ришларини талаб қилиш-ди. Қий-қувнинг олдини олиш мақсадида Э.Юлда-шев М.Абдурахмоновга тўппонча ўқталиб, уни отиб ўлдирди. Ш.Қодировнинг озгани ёпиб, юз қисмига пичоқ билан тан жароҳати етказилган. Жиноий режа амалга ошгач, воқеа жой-идан қочдилар. «Кингир ишининг қийғи қирқ йил-дини кийим ҳам чиқади» Ярамастар шармандаи шармисор бўлишди.

Фалокат оёқ остида, деган гап бор. Бу ибора ҳақиқатга ақин бўлмагани-да фуқаро Акбар Исмои-лов тасодифий ҳолатнинг қурбони бўлиб, Шокир Қодиров жиноятчиға ай-ланиб қолмаган бўларди. Ўзаро иноқ бўлган икки инсон ўртасида ҳеч кан-дай келишмовчилик бўлмаган. Улар Қўйил-қозорида гўшт сотиб ти-рикчилик қилишарди. Воқеа содир бўлган кун И.Асмоилов Ш.Қодиров-дан чекиш учун сигарета сўради. Шунда Ш.Қоди-ров унга мижоз кетгандан сўнг беришни айтди. Бу пайтда А.Асмоилов қўли-да катта пичоқ ушлаб тур-ган бўлиб, бироздан кей-ин сигарета берган Шо-кирга «нимага миннат қилиб берясан» дейди.

Шерик бу гапга парво қилмайди. Шокир Ак-барнинг қўлидаги пи-чоқни олиб қўймоқчи бўлганида у туртилиб кетиб йиқилади ва пи-чоқ қорнига санчилади. Гангиб қолган Ш.Қоди-ров милицияга таянч пу-нктида бориб, воқеа ҳусу-сида ўзи хабар беради. Ушбу ҳаётини мисолни бежизга келтираётгани-миз йўқ. Сабоби ҳаёт та-содифларга тўла. Қутил-маганда фалакнинг гар-дини билан инсон ҳаёти яхши ёки ёмон томонга бир зумда ўзгариб ке-тиши мумкин. Шундай экан ақл-идрокли инсон ҳар доим хушёр ва эъти-борли бўлмоғи керак.

Юқоридаги мисоллар киши юрагини ўртайд, чуқур ўйлашга, мушоха-да юритишга ундайди. Ҳали кенг омма ўртаси-да тарбиявий-ташкилий ишларни янада кенгроқ ташкил этиш, жиноятчи-ликка қарши мурасосиз курашиш борасида кўп иш қилишимиз керакли-гини эслатади.

Ғанишер АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси судларда жиноий ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори

ЖАМФАРМА ҲИММАТИ

Халқаро «Оролни кут-қариш» жамфармасининг Нукус бўлими «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига биноан Таҳия-тошдаги болалар уйи, Хўжайлидаги 1-республика «Мехрибонлик уйи», Нукусдаги 18-маҳсус бо-лару бочгачи ҳамда икки сил касалликлари дис-пансерини йилнинг тўрт фаслида ҳам сарҳил мева ва мевашарбатлари билан таъминлашни ўз зим-масига олди. Хозиргача ушбу муассасаларга 14 миллион сўмлик мева шарбати тарқатилди.

ИЧИМЛИК СУВ НАЗОРАТ ОСТИДА

Хоразм вилоятининг бир неча тумани санитар-рия шифокорлари энг чеҳра қишлоқлар аҳоли-си истеъмол қилаётган ичимлик сув сифатини тезкор аниқлаш имко-ниятига эга бўлди. Бу ишда уларга туз ўлچагичлар - кудуклар ва бошқа ман-балардаги сувнинг мине-раллашуви даражасини бир неча дақиқада аниқ-лаш имконини берувчи мўъжаз асбоблар ёрдам бермоқда.

Хива, Қўшқўпир, Шо-вот ва Янгиёрил туманла-рининг кўпгина қишлоқ-лари магистрал сугориш каналларининг охирида жойлашган бўлиб, 2001-2002 йиллардаги қургок-чиликдан кўпроқ жабр кўрди. Сўнгги икки йил ичида «Ўзбекистоннинг қургоччиликка ураган шимоли-ғарбий ҳудудла-рида озиқ-овқат барқар-орлигини таъминлаш ва ичимлик сувни яхшилаш» лойиҳаси доирасида бу туманларда тозалаш ва реконструкция қилиш эва-зига 150 дан ортиқ кудук тикланди, 400 га яқин кувурсимон насослар ўрнатилди. Энди туз ўлчигичлар улардаги сув сифатини доимий назорат қилиш имконини беради.

КЎҚОНМАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

«Кўқонмаш» хиссадор-лик жамияти Асакадаги «ЎздЭУавто» қўшма кор-хонаси билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқ-да. 26 турдаги бўғиоқчи қисм ишлаб чиқарётган корхона маҳсулотлар қаторига яна тўрт детал қўшилади.

Уч юз киши мехнат қилаётган жамоа ўтган йили 638 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Айни кунларда «Матиз» автомобиллари учун ойна-кўтаргичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари охирига еткази-ляпти.

